

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ (ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАСАЛАСИДА)

**Жаҳонгиров Б.Б.**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети. “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий ва табиий -илмий фанлар” кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7435429>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари олимларининг халқаро ҳамкорлик алоқлари турли шакл ва кўринишларда амалга ошириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган илмий конференция, конгресс, симпозиумларга хизмат сафари билан бориш, илмий-тадқиқот институтлар, олий ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, хорижий илмий марказларга малака ошириш, стажировкага бориш масалари баён қилинган. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ҳам мафкуравий - сиёсий аралашувларсиз мустақил равишда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари далилий манбалар асосида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Фанлар академияси, олий таълим, конференция, конгресс, хизмат сафари, илмий-тадқиқот институтлар, ҳамкорлик, шартнома, стажировка, таълим, докторантура, диссертация, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризмспорт ва оммавий ахборот воситалари.

## МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА (ОТНОСИТЕЛЬНО НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ)

**Аннотация.** В данной статье ученые научно-исследовательских институтов Академии наук Республики Узбекистан осуществляют отношения международного сотрудничества в различных видах и формах, выезжают в командировки на научные конференции, съезды, симпозиумы, проводимые в зарубежных странах, устанавливают прямые связи с научно-исследовательских институтов, высших учебных заведений, в сотрудничестве с научно-исследовательскими институтами описываются вопросы проведения исследований, повышения квалификации в зарубежных научных центрах, прохождения стажировок. В Узбекистане высшие учебные заведения также самостоятельно, без идеологического и политического вмешательства, имеют равноправные и взаимовыгодные отношения сотрудничества, основанные на доказательных источниках.

**Ключевые слова:** Академия наук, высшее образование, конференция, конгресс, командировка, научно-исследовательские институты, сотрудничество, контракт, стажировка, образование, докторантура, диссертация, культура, здоровье, наука, техника, подготовка кадров, туризм, спорт и СМИ.

## INTERNATIONAL RELATIONS OF UZBEKISTAN (REGARDING SCIENTIFIC RESEARCH)

**Abstract.** In this article, scientists of research institutes of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan carry out international cooperation relations in various types and forms, go on business trips to scientific conferences, congresses, symposiums held in foreign countries, establish direct links with research institutes, higher educational institutions, in cooperation with research institutes, issues of research, advanced training in foreign research centers, and internships are described. In Uzbekistan, higher education institutions also independently,

*without ideological and political interference, have equal and mutually beneficial cooperation relations based on evidence-based sources.*

**Keywords:** Academy of Sciences, higher education, conference, congress, business trip, research institutes, cooperation, contract, internship, education, doctoral studies, dissertation, culture, health, science, technology, training, tourism, sports and media.

**Кириш.** Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бошқа соҳаларда бўлгани каби, илм-фан соҳасини ривожлантириш борасида қатор ислохотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар, олий таълим муассасалари, хориждаги ўз шериклари билан икки томонлама ва кўп томонлама илмий ҳамкорлик олиб бордилар, натижада илгари маълум сабабларга кўра, амалга оширилиши мумкин бўлмаган илмий ҳамкорлик юзага келди. Жаҳон фани, минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон учун иқтисодий - ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкони туғилди.

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).**

Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги ҳақида А.Қирғизбоев ўз монграфиясида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси жорий архивининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясини Халқаро бўлимининг 2000 йилги ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архивида Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги фан ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумоти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий архиви фондларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 1999 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларида хорижий мамлакатларда ўтказиладиган илмий конференция, конгресс, симпозиумларга хизмат сафари билан бориш, илмий-тадқиқот институтлар, олий ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, хорижий илмий марказларга малака ошириш, стажировкага бориш масаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

**- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан илмий-техник ҳамкорликни амалга оширар экан, аввало ҳозирги замонда ишлаб чиқариш соҳаси имлий-техник инқилоб ютуқларисиз, фундаментал билимларсиз ва кашфиётларсиз, техник ва технологик янгиликларсиз, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этмасдан самарали ривожлана олмаслигидан келиб чиқади. Илм-фан ўз моҳиятига кўра байналмилал ҳодиса бўлиб, у кўплаб мамлакатлардаги олимларнинг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликдаги меҳнатларининг натижасидир.

Хорижий давлатлар билан битим имзолашда ҳар икки томон ҳам илм ва техникани ривожлантириш, ўзаро тенглик ва манфаатдорликни таъминлаш, шунингдек, бу илмий-техник ҳамкорлик ҳар иккала давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун ёрдам бериши лозимлиги талабларидан келиб чиққан.

Мазкур битим қуйидагиларни кўзда тутади:

-илмий-техник делегациялар, олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро алмашинувини ташкил қилиш;

-илмий-техник информация ва ҳужжатларнинг, турли буюм ва материалларнинг, “нау-хау” ва лицензияларнинг ўзаро алмашинуви;

-илмий-техник симпозиум ва илмий конференциялар ташкил қилиш;

Ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш ва тадқиқот натижалари ҳамда ишланмалар билан ўзаро алмашинув. [1]

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Ўз навбатида мамлакатимизга Осиё мамлакатларидан келган кўплаб аспирантлар ва стажёрлар таҳсил олган. Масалан, 1992 йилда Ўзбекистонга 40 нафар аспирант ва стажёрлар келган бўлса, шулардан 7 нафари Ҳиндистондан, 7 нафари Жанубий Кореядан, 2 нафари Хитойдан ва 2 нафари Покистондан эди.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси халқаро илмий иттифок Кенгашига аъзо бўлди ва Россия, АҚШ, Канада, Белгия, Корея, Италия, Германия каби 25 дан ортиқ давлатлар билан илмий-тадқиқот бўйича ҳамкорлик шартномаларини имзолади. [2] Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш, жумладан, ЮНЕСКО лойиҳаси асосида Орол муаммосини ҳал этиш учун “Орол денгизи мониторинги ва ахборот базалари маълумотлари” лойиҳалари устида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон олимлари ХХР Фанлар Академиясининг Геокимё институти билан ҳамкорликда қўшма дала тадқиқотлари ўтказди. Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги Академиясининг Микробиология институти билан биргаликда, (1991 йилда тузилган Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида) микроорганизмлар ёрдамида оқар сувларни тозалаш муаммолари ва яшил сув ўтларидан фойдаланишвоситасида тупроқ таркибини соғломлаштириш борасида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда. [3]

Ўзбекистоннинг Хитой Халқ республикаси билан илмий-техник ҳамкорликлари муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Мазкур ҳамкорлик 1992 йилнинг 13 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган “Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”га мувофиқ амалага оширилади. [4]

Шу қисқа вақт давомида республика Фанлар академиясининг 26 та илмий-тадқиқот институтлари хорижлик шериклари билан 82 та мавзу бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар, яна 6 та институт эса 9 та халқаро дастур бўйича тадқиқотлар ўтказган бўлсалар, 250 дан ортиқ республика ва халқаро конференциялар ўтказди ва шу йиллар давомида 79 нафар хорижлик аспирантлар республикамизда таҳсил олдилар. [5]

Ўз навбатида ўзбек олимларидан бир қанчаси хорижий давлатларда муваффақиятларга эришди, масалан, профессор Анвар Зоҳидов Москвадаги Спектроскопия институтида илмий-тадқиқотлар олиб борди, шартнома асосида 2003 йили Техас штати университетида, Япония ва Италия университетларида молекуляр физикадан дарс берди, натижада, профессор Анвар Зоҳидов Техас университети ҳузурида Нанотехнология институтига асос солди. У ушбу хизматлари учун “Йилнинг энг яхши муҳандиси” мукофотиغا сазовор бўлди. [6]

Ўзбекистон Жанубий Корея билан ҳам ҳар томонлама илмий-техник ҳамкорлик ўрнатди. Мазкур ҳамкорлик 1992 йил 17 июнида имзоланган илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим асосида амалга оширилмоқда. Ўша йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг Ядро физикаси институти Жанубий Корея ядровий тадқиқотлар Маркази билан илмий-техник ҳамкорликлар олиб бориш тўғрисида шартнома тузди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси нинг иссиқлик физикаси бўлими эса Япониянинг молекуляр фанлар институти билан энг янги электр ўтказувчи полимерларнинг магнит хоссаларини ўрганиш бўйича ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказишга киришдилар. [7]

Ўзбекистоннинг Ядро физикаси институти ҳамда унинг “Радиопрепарат” ва “Тезлатгич” кархоналари Жанубий Корея Республикаси атом тадқиқотлар институти билан 1991-1996 йилларга тузилган илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома асосан “Тадқиқот реакторининг нейтрон боғламаларидан қўлланадиган материалларни тадқиқ этиш ва такомиллаштириш” мавзусида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан ўзаро илмий-техник ҳамкорлик алоқалари 1993 йилнинг 29 июлида Ўзбекистон республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида имзоланган илмий-техник соҳадаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ва 1994 йил 5 январдаги Илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашувчи Ўзбекистон-Ҳиндистон Марказини ташкил тўғрисидаги Протокол ушбу алоқаларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. 1995 йилда Тошкентда Ҳиндистон-Ўзбекистон илмий-технологик маркази ташкил этилди. Унинг олдида илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш вазифаси қўйилган. [8]

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида 1992 йил 27 июнда имзоланган маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризмспорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим ҳамда 1995 йил 22 майда имзоланган фан ва техника борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим мавжуд. [9]

Ана шу битимларга мувофиқ Ўзбекистон ва Покистон олимлари, илмий марказлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар Покистонда ўтказиладиган турли конференция, семинар ва бошқа илмий тадбирларда ташкил этмоқда. Покистонлик олимлар ҳам Ўзбекистоннинг илмий муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. [10]

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий-техник ҳамкорлик 1992 йил 25 ноябрда имзоланган Ҳукуматлараро Меморандум ва 1993 йил 18 октябрда имзоланган савдо, иқтисодиёт, саноат, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қўшма комиссия тўғрисидаги Ҳукуматлараро Протокол асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликнинг ривожлантирилишида ҳукуматлараро комиссиянинг 2001 йил 21 февралда бўлиб ўтган 3-мажлисининг аҳамияти жуда катта. Радиофизика, яримўтказгич материаллар ва ускуналар соҳасида, бошқарув тизимини автоматлаштиришда ЭҲМлардан фойдаланиш, астрофизика, микробиология, биотехнология, вирусология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, биоорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, тупроқшунослик ва агрокимё соҳаларида ҳамкорликни янада фаоллаштириш зурурлиги эътироф этилди. [11]

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимларидан 1997-2001 йилларда 861 нафар, жумладан, 1997 йилда 120 нафар, 1998 йилда 83 нафар, 1999 йилда 121 нафар, 2000 йилда 229 нафар, 2001 йилда 308 нафари илмий сафарларда бўлишган. [12]

Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ҳам мафкуравий - сиёсий аралашувларсиз мустақил равишда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрната бошладилар. Республика олий таълим муассасалари бир қанча халқаро илмий-техник ҳамкорлик дастурларида қатнашди ва ҳамкорлик шартномалари имзолашди, жумладан, Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимидаги Шимолни ўзлаштириш институти, Россия ФА Спектроскопия институти, Россия ФАсининг илмий-тадқиқот маркази, Санкт-Петербург университети, Тожикистон ФАнинг Физика-техника институтлари, Космос физикаси ва астрофизика кафедраси Дубнанинг Ядро тадқиқотларнинг бирлашган институти,

Тошкентнинг Ядро физикаси институти, Москванинг Ядро физикаси илмий-тадқиқот институти, Хитой ФА Амалий математика институти ҳамда Фридрих Отто университети, Оксфорд университети, Вашингтон университети, Файзобод университети, Босул университети, Ал Асқар, Ал Машрик университетлари, Финландиянинг Оулу ва Буюк Британиянинг Шимолий Лондон университетлари, Монреал университети, Қувайт ва Саудия Арабистони университетлари билан илмий ҳамкорлик олиб борган бўлса, ИНТАС, EPSILON-2000, ЮНЕСКО, Европа иттифоқининг Tasis ва Tempus tasis, Айрекс, Фулбрайт, Германиянинг ДСЕ, ДААД дастурларида фаол иштирок этдилар. [13]

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон билан илмий, илмий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор давлатлар сони кўпайиб борар экан, бу - Ўзбекистон илмий салоҳиятининг ортиб бораётганлигидан далолат эди. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистонда илм-фаннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон фанига чет эл инвестицияларининг кириб келиши эса уни янги техника ва технологиялар бўйича бойитишга имкон берди. Ўзбек олимларининг хорижий давлатлардаги йирик нуфузли илмий анжуманларидаги иштироки, пировард натижада республика обрўсини оширишга шарт- шароитлар яратди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасини халқаро шартномалари. III-китоб.-Т.:1992.-Б.18.
2. Ўзбекистон Республикаси ФА нинг жорий архиви // Ташқи алоқалар бошқармаси.Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 1999 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи. -Б.1.
3. Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Т.: “Фан”.2004.-Б.198.
4. Ўзбекистон Республикасини халқаро шартномалари. III-китоб.-Т.:1992. –Б.19.
5. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Япония билан илми-техникавий алоқалари. Academic research in educational science volume 2 | special issue 1 | 2021 /01; -Б.315.
6. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви 1992-1993йиллар // Ядро физикаси институти. –Б.1.
7. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви // 1995 йилги Халқаро илмий-техник ҳамкорликлар. –Б.3.
8. Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Т.: “Фан”.2004.-Б.211.
9. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий алоқалари. ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).-Қарши. 2020.-Б.256.
10. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви. // ЎзФА Халқаро бўлимнинг 2000 йилги ҳисоботи. –Б.16.
11. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви. // ФТДҚ нинг Ўзбекистон ва Эрон Ислон Республикаси ўртасидаги фан ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумоти. –Б.2.
12. Ўзбекистон Республикаси ФА нинг жорий архиви.//Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 2001 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.-Б.1.

13. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий – техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида). *Oriental renaissance: innovative, education, natural and social sciences scientific journal*. Volume 2, issue 5/2, may 2022. -Б.824.